

СУРРОГАТ ОНАЛИКНИНГ ТУРЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Хусанова Диёра Юсуповна

Тошкент давлат юридик университети
“Спорт ҳуқуқи” йўналиши магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19947715>

Annotatsiya: Аннотация: мазкур тезисда суррогат оналикнинг турлари тадқиқ этилган. Шунингдек, суррогат оналикнинг турлари нуқтаи назардан юридик адабиётларларда келтирилган илмий-назарий қарашлар ўрганилган.

Калит сўзлар: беғараз суррогат оналик, тижорий суррогат оналик, тўлиқ суррогат оналик, анъанавий суррогат оналик.

ВИДЫ СУРРОГАТНОГО МАТЕРИНСТВА: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Хусанова Диёра Юсуповна

Ташкентский государственный юридический университет
Магистрант направления «Спортивное право»

Аннотация: в настоящем тезисе исследуются виды суррогатного материнства. Также изучены научно-теоретические взгляды, представленные в юридической литературе, с точки зрения классификации видов суррогатного материнства.

Ключевые слова: безвозмездное суррогатное материнство, коммерческое суррогатное материнство, гестационное суррогатное материнство, традиционное суррогатное материнство.

TYPES OF SURROGACY: A THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS

Khusanova Diyora Yusupovna
Tashkent state university of law
master's student in "Sports law"

Abstract: this thesis examines the types of surrogacy. It also analyzes the scientific and theoretical views presented in legal literature from the perspective of the classification of surrogacy types.

Keywords: surrogate mother, surrogacy agreement, genetic parents, biological mother.

Маълумки, юридик адабиётларда суррогат оналикнинг юридик мазмунини ўрта асос ташкил этади. Жумладан:

субъектлар: буюртмачи ота-оналар, суррогат она ва ихтисослашган тиббиёт муассасаси;

объект: келажакда туғиладиган бола эмас, балки бола туғилиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар: суррогат онанинг болани соғлом ҳолда дунёга келтириш ва топшириш мажбурияти, буюртмачиларнинг эса болани қабул қилиб олиш ва барча харажатларни қоплаш мажбуриятини қамраб олади.

Суррогат оналик шартномасининг объекти сифатида келажакда туғилажак бола эмас, балки “суррогат она томонидан кўрсатиладиган репродуктив ҳаракатлар ва ота-оналик ҳуқуқининг трансформацияси” олинishi шарт. Болани объект сифатида кўриш инсон қадр-қимматига зиддир. Шу сабабли, объектни “бола туғилиши ва уни топшириш

билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи” деб таърифланиши, ушбу институтни тижорат характеридан ижтимоий-ҳуқуқий мақсадлар сари йўналтиради.

Шунингдек, муносабатлар мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар таҳлили шуни кўрсатадики, суррогат онанинг мажбурияти фақат “биологик жараён” билан чекланмайди, балки у интеллектуал ва ахлоқий масъулиятни ҳам ўз ичига олади. Ота-она сифатида буюртмачиларнинг болани қабул қилиб олиш мажбурияти эса, боланинг ҳуқуқий ҳимоясиз қолишининг олдини олувчи асосий кафолат ҳисобланади.

Бизнингча, юқоридаги учта асос (субъект, объект, ҳуқуқ ва мажбуриятлар) суррогат оналикнинг юридик тузилишини шакллантиради.

Ушбу конструкциянинг миллий қонунчиликда (Оила ва Фуқаролик кодексларида) аниқ мустаҳкамланиши, амалиётда “генетик ота-оналик” ва “биологик туғиш” ўртасидаги низоларни олдини олишга ҳамда бола манфаатларини олий даражада ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, суррогат оналик институти замонавий биоҳуқуқнинг энг мураккаб йўналишларидан бири бўлиб, у молиявий асослар ва генетик боғлиқлик даражасига кўра муайян турларга бўлинади.

Суррогат оналик дастури молиявий асослар нуқтаи назаридан иккита асосий турга бўлинади:

Тижорат асосидаги суррогат оналик. Бунда суррогат она ҳомилани кўтариб бериш ва туғиш хизмати учун ижтимоий-иқтисодий компенсация (ҳақ) олади. Ушбу амалиёт АҚШнинг айрим штатлари (масалан, Калифорния), Россия Федерацияси, Украина ва Грузия каби давлатларда қонуний рухсат этилган. Ҳуқуқшунос олимма *Д.И.Бабажанованинг* таъкидлашича, тижорат асосидаги суррогат оналикда тарафлар ўртасидаги муносабатлар фуқаровий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, унда кўрсатилаётган хизматнинг қиймати ва сифати устувор аҳамият касб этади¹.

Беғараз (алтруистик) суррогат оналик. Бунда суррогат онага хизмати учун ҳақ тўланмайди, фақатгина унинг ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқ бевосита харажатлари (тиббий хизмат, махсус овқатланиш, дори-дармон) қопланади. Бундай тажриба Буюк Британия, Канада, Австралия ва Исроил қонунчилиги учун хосдир. Профессор М.Н.Малеина бу турдаги муносабатларни инсонпарварлик ва ўзаро ёрдам тамойилига асосланган деб ҳисоблайди ҳамда инсон танаси аъзолари ёки функцияларини олди-сотди объектига айлантирмаслик кераклигини уқтиради².

Генетик боғлиқлик даражасига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

Замонавий репродуктология ва ҳуқуқ фани суррогат оналикни биологик алоқа мавжудлигига қараб қуйидагича ажратади:

Гестацион (тўлиқ) суррогат оналик. Бунда суррогат онанинг туғилажак бола билан ҳеч қандай генетик алоқаси бўлмайди. Ҳомила донор ёки потенциал ота-онанинг жинсий хужайраларидан ҳосил қилиниб, суррогат она бачадонига кўчирилади. Ҳуқуқшунос олим *Г.Б.Романовский* қайд этганидек, гестацион суррогат оналик ҳуқуқий жиҳатдан энг кам низоли ҳисобланади, чунки “биологик она” (генетик) ва “туққан она”

¹ Бабажанова Д.И. Репродуктив ҳуқуқнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2024. – Б. 112.

² Малеина М.Н. Личные неимущественные права граждан: понятие, осуществление, защита. – М.: МЗ Пресс, 2000. – С. 96.

(суррогат) функциялари қатъий ажратилган бўлиб, бу боланинг келиб чиқишини аниқлашда муҳим роль ўйнайди³.

Анъанавий суррогат оналик. Бунда суррогат она ўзининг тухум хужайрасидан фойдаланади ва у биологик жиҳатдан боланинг генетик онаси ҳисобланади. Бу усул кўпгина мамлакатларда (масалан, Россия Федерацияси) ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолар, хусусан оналик ҳуқуқидан воз кечиш билан боғлиқ низолар сабабли чекланган.

Фикримизча, суррогат оналик фақат тиббий кўрсатма бўлган ҳолларда, гестацион усулда ва давлат томонидан қатъий назорат қилинадиган шартнома асосида амалга оширилиши лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, суррогат оналикнинг юридик мазмуни ва ҳуқуқий табиати мураккаб тизимга эга бўлиб, у нафақат тиббий муолажа, балки бир нечта ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик, оила, маъмурий) кесишувида пайдо бўлувчи кўп қиррали муносабатдир. Суррогат оналик дастурида тиббий-ҳуқуқий, шартномавий-ҳуқуқий ва ҳуқуқий жиҳатлари суррогат оналикнинг юридик мазмуни ва концептуал асосларини ташкил этади.

Бизнингча, суррогат оналикнинг юридик моҳияти тиббий технологиялар ёрдамида инсоннинг фарзанд кўриш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун икки томон ўртасидаги ихтиёрий ва қонуний келишув ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигида ҳам сўнгги йилларда репродуктив технологиялардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий база шакллантирилмоқда, бироқ бу соҳада ахлоқий ва диний қарашлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, суррогат оналик молиявий асослар ва генетик боғлиқлик жиҳатдан муайян турларга бўлиниб, ҳар бир суррогат оналик тури айрим хорижий давлатларнинг ҳуқуқида тартибга солинган.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Бабажанова Д.И. Репродуктив ҳуқуқнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2024. – Б. 112.
2. Малеина М.Н. Личные неимущественные права граждан: понятие, осуществление, защита. – М.: МЗ Пресс, 2000. – С. 96.
3. Романовский Г.Б. Правовое регулирование вспомогательных репродуктивных технологий: Учебное пособие. – Пенза: Изд-во ПГУ, 2015. – С. 45.

³ Романовский Г.Б. Правовое регулирование вспомогательных репродуктивных технологий: Учебное пособие. – Пенза: Изд-во ПГУ, 2015. – С. 45.